



## Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қирқ ёшга кирганларида ваҳий нозил қилинди

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қирқ ёшга кирганларида ваҳий нозил қилинди. Кейин Маккада ўн уч йил қолдилар. Сўнгра, ҳижрат-кўчишга буюрилдилар ва Мадинага ҳижрат қилдилар. Мадинада ўн йил яшадилар. Сўнгра, бу оламдан ўтдилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо хабар бермоқдаларки: «Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам қирқ ёшларида ваҳий юборилгач пайғамбар бўлдилар. Шундан сўнг Макка шаҳрида ўн уч йил яшадилар. Сўнгра, Мадина шаҳрига ҳижрат қилишга буюрилдилар ва Мадина шаҳрида ўн йил яшадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида олтмиш уч ёшда эдилар».

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65050>

